



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
PROKURATURASI**

100115, Toshkent sh, Chilonzor ko'chasi, 6-uy.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлигига**

2022 yil 07 iyul
№21/12п-22

'ТАҚДИМНОМА'

Жиноят сабаблари ва уни содир этилишига
имкон берган шарт-шароитларни бартараф
этиш ҳақида

Тошкент шаҳар прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиб бўлими томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот ресурс маркази директори Кислицына Ирина Львовнани ЖКнинг 167-моддаси З-қисми «а» банди ва 227-моддаси 2-қисми «а, б» бандлари билан айблаш ҳақидаги жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари тамомланди.

Аниқланишича, 02.12.2008 йилдан 14.04.2022 йилга қадар Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ АРМ директори лавозимида ишлаган И.Л.Кислицына, давлат органининг мансабдор шахси бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини сунистехмол қилиш йўли билан осон ва назорат қилинмайдиган даромад топиш мақсадида, марказ директор ўринbosари Эргашова Маҳбуба Пазиловна, марказнинг Электрон ахборот ресурслари бўлими мудири Сулейманова Лолаҳон Маҳмудовна ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, университет Ахборот ресурс маркази фондида сақланган XIII-XIX асрларга оид, умумий қиймати 2.656.600.000 сўмлик тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган 57 дона қўлёзма ва 12 дона тошбосма асарларни, шунингдек 9 та тарихий ҳужжатларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Сўнгра, И.Л.Кислицына ўзлари томонидан содир этилган жиноятларни яшириш мақсадида, М.П.Эргашова, Л.М.Сулейманова ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, Ахборот ресурс марказида рўйхатга олинган ва қатъий ҳисобда турувчи 341 дона фонднинг инвентарь ҳамда жамланма ҳисобга олиш китобларини марказда ўтказилган текширувга тақдим этишмаганлиги оқибатда, қўшимча равишда камомади аниқланган 45 та инвентарь рақам остидаги нодир қўлёзма ва 104 та инвентарь рақам остидаги нодир тошбосма асарлар ҳақида маълумот топишнинг имконияти йўқолган.

Юқоридагиларга кўра, жиноят иши бўйича ЎзМУ АРМ собиқ директори И.Л.Кислицынага ЖКнинг 167-моддаси З-қисми «а» банди ва 227-моддаси 2-қисми «а, б» бандлари билан тўлдирилган айб эълон қилиниб, унга нисбатан «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

O'zbekiston Respublikasi
OLIY VA ORTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI
QABUL № 411-4374
«28» 07 2022

Ҳозирда жиноят ишининг И.Л.Кислицынага нисбатан бўлган бир қисми юзасидан тергов ҳаракатлари тамомланган бўлиб, судга юбориш арафасида.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича 14.04.2022 йилда айбланувчи И.Л.Кислицына ва гумон қилинувчи Л.М.Сулейманованинг яшаш хонадонларида тинтуб ўтказилганда, Л.М.Сулейманованинг хонадонидан ЎзМУнинг штампи мавжуд бўлган, яъни ЎзМУ АРМга киримга олиниб, бироқ ҳеч бир ҳужжатсиз олиб чиқиб кетилган 8 дона китоблар ҳамда И.Л.Кислицынанинг яшаш манзилидан шу каби 205 дона китоб ва 57 дона журналлар мавжудлиги аниқланиб, ушбу китоб ва журналлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган ҳамда ушбу китоб ва журналларнинг бугунги кундаг қийматини аниқлаш бўйича мутахассисларга тақдим этилган. Аммо, шу каби китоб ва журналларнинг бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш кўп вақт талаб этилиши сабабли, ҳозирги кунга қадар уларнинг нархи аниқланмаган.

Шунингдек, жиноят иши бўйича ЎзМУ музейи ҳамда Ахборот-ресурс маркази фонди фаолияти, хусусан у ерда сақланаётган барча асар ва қўлёзмаларнинг тўлиқилиги юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш давомида, фақатгина мазкур жиноят ишини қўзғатилишига асос бўлган ЎзМУ АРМнинг «Шарқ» фондидаги ноёб асарлар инвентаризациядан ўтказилган бўлиб, АРМнинг бошқа фонdlари ва кутубхоналарида сақланаётган китоб ва ҳужжатлар инвентаризацияси якунланмаган.

Ваҳоланки, тафтиш давомида, ЎзМУ АРМ марказий ўкув зали остидаги ертўла қўздан кечирилганда, у ерда китоблар лозим даражада сақлаш чоралари кўрилмаган ва ҳисоби юритилмаган ҳолда сақланаётганлиги ҳамда ертўланинг ички қисмидан тўғридан-тўғри ЎзМУнинг ҳовли қисмига чиқиш учун эшик борлиги, аммо ушбу эшик тегишли тартибда сигнализация ускуналари ёки видеокузатув мосламалари билан жиҳозланмаганлиги, яъни китобларни ҳеч бир тўсиқсиз олиб чиқиб кетишга имконият мавжуд эканлиги аниқланган.

Энг асосийси, тафтиш давомида, ЎзМУ АРМ собиқ директори И.Кислицына текширувчиларга АРМ фонdlарида сақланаётган ноёб асарларнинг инвентарь китоблари умуман мавжуд бўлмаганлигини билдирганлиги сабабли, ноёб асарларнинг инвентаризацияси шарқшунос олимлар А.Семенов ва М.Рахмонкуловаларнинг 1935, 1956 ва 2007 йиллардаги библиографиялари, 2005 йилда университет мутахассислари томонидан шакллантирилган қўлёзма ва тошбосма китобларнинг рўйхати, 2010 йилдаги «Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасидаги шарқ қўлёзмалари Каталоги» (иккинчи нашри), музей ходимлари М.Салаева ва И.Кислициналар ҳаммуалифлигига 2018 йилда чоп этилган «Ўзбекистон Миллий университетида сақланаётган Ноёб қўлёзмалар коллекциялари», фондда сақланиб қолган нодир қўлёзмалар ва тошбосма китобларнинг картотекалари ва фотосуратлари, шунингдек тергов давомида АРМдаги компьютерлар хотирасидан тикланган маълумот ва фотосуратлар билан солиширилган ҳолда ўтказилган.

Бироқ, ЎзМУ АРМнинг «Шарқ» фондида сақланган нодир асарлар бўйича инвентаризация якунланганидан сўнг, АРМнинг ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш катологлаштириш ва тизимлаштириш бўлими мудири Ю.С.Тишибаева, тергов органига мазкур фондда сақланаётган нодир асарлар рўйхатга олинган инвентарь китобларни ўз ихтиёри билан тақдим этиб, ўз кўрсатмаларида, Бош прокуратура томонидан ЎзМУ АРМда текширув бошлангач, директор

И.Кислицынанинг топшириғига асосан инвентарь китобларни текширувчиларга тақдим этмасдан, яширганлигини баён қилган.

Шу боис, ҳозирда мутахассислар томонидан мазкур инвентарь китоблари бўйича АРМ «Шарқ» фондида қайта инвентаризация ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича ЎзМУ АРМдан ўғирланган китобларнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида, олинган маълумотларга асосан 05.07.2022 йилда Миробод тумани, Буюк Турон қўчаси, 72-ий олдидаги савдо растасида жойлашган, якка тартибдаги тадбиркор В.С.Шишовага тегишли «Китоблар» дўконида тинтув ўтказилиб, тинтув давомида, мазкур савдо нуқтасида нафақат ушбу жиноят ишини қўзғатилишига аос бўлган ЎзМУ АРМ «Шарқ» фондига тегишли ноёб асарлар, балки ЎзМУ АРМнинг бошқа кутубхоналарига тегишли бўлган бошқа китоблар, жами 143 та китоблар мавжудлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган ҳамда бугунда уларнинг қийматини ва ҳақиқатда кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида, мутахассисларга тақдим этилган. Бироқ, юқорида баён тилган сабларга кўра, уларнинг ҳам бугунги кундаги нархини ҳозирча аниқланмаган.

Жиноят иши бўйича ўтказилаётган хужжатли тафтиш якунига етмасдан ва юқорида баён этилган китоблар қийматига аниқлик киритиб бўлмасдан туриб, ЎзМУ АРМ директори ўринбосари М.П.Эргашова, бўлим мудири Л.М.Сулейманова ва марказнинг бошқа ходимларининг ҳаракатларига якуний ҳуқуқий баҳо бериб бўлмайди.

Бундан ташқари, адлия вазирлигидан 10.03.2014 йилда 2567-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот-кутубхона ресурсларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома ва Олий таълим вазирининг 29.12.2006 йилдаги 295-сонли буйруғи талабларига зид равища, мазкур фонд шу кунга қадар умуман инвентаризациядан ўтказилмаганлиги, «Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси талабларига зид равища, ушбу фонд 2018 йилдан бир неча марта бошқа хоналарга кўчирилганда, нодир қўлёзма адабиётларни лозим даражада сақлаш чоралари кўрилмагани оқибатида, текширув давомида фондда сақлаб келинган 40 дона нодир қўлёзма адабиётлар жуда кўп миқдордаги ҳаражат талаб қилувчи консервация ва реставрацияга муҳтоҷ ҳолатга келиб қолганлигиги, йўриқноманинг 5,6-бандлари талабларига зид равища 90 номдаги қўлёзма, тошбосма ва босма турдаги манбалар фонд таркибига кирим қилинмаган, рўйхатга олинмаган ва тегишли тартибда инвентарь рақами берилмаган ҳолда сақлаб келинганлиги, фонд таркибида текширув куни ҳолатига 931 донаси сақлаб қолинган «Европа тилларидағи нодир нашрлар коллекцияси»га тегишли инвентарь китоб, далолатнома ва бошқа хужжатлар ҳам йўқ қилиниб, ҳисоби юритилмаган. Оқибатда, фуқаро Мухаммадбобур Юсупов томонидан «Тошкент марказидаги бинодан топилган ҳазина» сифатида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, 26.06.2019 йилдаги далолатнома асосида Ўзбекистон тарихи Давлат музейига айнан ушбу фондга тегишли 98 дона адабиётлар топширилган, аммо ҳозирги кунга қадар Университет маъмурияти томонидан ушбу адабиётларни қайтариш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги Қонун ва соҳага оид бошқа норматив ҳужжатлар талабларига зид равища, Университет таркибида музей ташкил этиш ҳақида бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмасада, штатлар жадвалига ноқонуний равища «музей фонди сақловчиси» ва «музей кузатувчиси» лавозимлари

киритилиб, ушбу лавозимларга ишга қабул қилинган шахсларнинг хизмат вазифасини бажарганини тасдиқловчи бирор-бир хужжат бўлмасада, 2017-2021 йиллар давомида уларга бюджетдан жами 80.529.600 сўм иш ҳақи ҳисобланиб, солиқ ва бошқа тўловлар ушлаб қолинганидан сўнг, 68.012.000 сўм асоссиз тўлаб берилганлиги ҳолатларига иш бўйича ўтказилаётган хужжатли тафтиш якунланмасдан туриб, қонуний баҳо беришнинг имконияти мавжуд эмас.

Баён этилганларга кўра, ЎзМУ АРМ кутубхоналарига тегишли бўлган китоблар талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан ЎзМУ АРМ моддий жавобгар шахслари ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатиб, жиноят ишининг ЎзМУ АРМ директорининг собиқ ўринбосари М.П.Эргашова, бўлим мудири Л.М.Сулейманова ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 227-моддаси 2-қисми «а, б» бандлари билан ҳамда ЎзМУ мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан бўлган бир қисми билан биргаликда алоҳида иш юритувга ажратилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Мазкур жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тизимдаги олий ўқув юртларида ташкил этилган Ахборот ресурс маркази ва музейларининг фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигивазирлик томонидан ўқув юртларининг фаолиятлари устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги натижасида, қайд этилган жиноятлар содир этилган.

Юқоридагиларга кўра ва ЖПКнинг 296-297-моддаларига қўлланиб,-

СЎРАЙМАН:

1. Мазкур тақдимномани Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва тизимдаги олий ўқув юртлари ходимлари иштирокида муҳокама қилиб, юқорида баён этилган салбий ҳолатларни олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик юзасидан амалий чора ва тадбирлар кўришингизни;

2. Тақдимномани муҳокама қилиш куни ва вақти ҳақида Тошкент шаҳар прокуратурасининг уюшган жиноячилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига хабар беришингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиш натижалари ҳақида бир ойлик муддат ичida ёзма равишда ахборот беришингизни.

Уюшган жиноятчилик ва
коррупцияга қарши курашиш
бўлими АМИБ терговчиси



А.Б.Турсунов